

Рисоладаги хотин



04:25 / 15.03.2017 11098

Рисоладаги хотин

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Она тилимизда ҳали чуқур луғавий-илмий ишлар олиб борилмаганлигиданми, баъзи истилоҳларда ўйланиб қоладиган ҳолатлар бор. Мисол учун «Хотин» сўзи турли жойларда ишлатилади, лекин, менимча, «хотин» – эри билан оилавий ҳаёт кечириб турган «аёл», дейиш маъқул. Бошқа ҳолатларда эса, аёл зотидан бўлган шахсларга нисбатан ўзига яраша атама-номлар бор, улар барчага маълум.

Оиладаги хотин деганимизда эса, бутун бошли катта оилани эмас, балки эру хотиндан иборат оилани кўзда тутмоқчимиз. Чунки бу мақоламизда аёлнинг эрга бўладиган муносабатини, муомаласини, ўзини тутишини ва

ҳоказоларни баён қиламиз.

Аввало, хотин ўзининг аёллиги билан фахрланмоғи лозим. Аллоҳ таоло бежиз уни аёл қилиб яратмаган.

Аллоҳ таоло «Аъроф» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

«У сизларни бир жондан яратган ва сокинлик топсин учун ундан жуфтини яратган Зотдир» (189- оят).

Яъни «жуфт» – сокинлик, осойишталик, ором, латофат, меҳр-муҳаббат рамзидир. Буни ҳар бир аёлнинг ўзи яхши тушуниб етмоғи зарурдир.

Турмушга чиққан ҳар бир келин оилавий ҳаёт Аллоҳнинг суннати, улкан бахт эканини, бу икки шахснинг фақат жисмоний эмас, балки руҳий ҳам қўшилишлари бўлиб, мақсад ўткинчи лаззат эмас, балки башарият камолоти ва ҳаётнинг бардавомлиги эканини тушунмоғи зарур.

Рисоладаги хотин оилада катта ўрин тутади. Шунинг учун ҳам ўзбек халқи орасида «Эрни эр қиладиган ҳам хотин, ер қиладиган ҳам хотин» деган, арабларда эса «Ҳар бир улкан шахснинг ортида хотин бор» деган мақоллар бор.

Одатда янги уйланган йигитга: «Энди ола хуржун бўйнингга тушди», дейишади. Аслида хуржуннинг кўзи иккита бўлиб, бири эрга, иккинчиси хотинга аталган, яъни унинг оғирлигини эр-хотин тенг кўтармоқлари лозим.

Оилавий ҳаётнинг бардавомлиги икковларининг бир муқаддас мақсад учун муштарак интилишларига боғлиқдир. Чунки ҳақиқий муҳаббат бир-бирининг кўзига боқишда эмас, балки икковларининг бир мақсадга интилишларида намоён бўлади. Хотиннинг эрига ёрдам бериши, ҳамдард бўлиши оилавий ҳаётнинг жамолига жамол қўшади.

Хотин оилада чиройли амалларга одатланмоғи лозим. Жумладан, Қуръон ўқиш, китоб кўриш, ахборотлардан хабардор бўлиш, ҳақиқатни ҳимоя қилиш ва ҳоказолар. Оқила ва маърифатли аёл намунавий орзуимизнинг марказидадир.

Уйнинг содда, саранжом-саришта бўлиши ҳам хотин кишига боғлиқ. Уйнинг зийнати нақш-нигору ашёларда эмас, балки меҳр-муҳаббатда эканини ҳеч қачон унутмаслик лозим.

Хотин киши ўз эрининг виждонига айланиб, уни гуноҳлардан, ёмон ишлардан қайтариб, савобли, яхши ишларга ундаб туриши лозимлигини Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ўз ҳадиси шарифларида бундай сифатлайдилар:

Абу Умомадан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мўмин банда Аллоҳга бўлган иймондан сўнг эришган энг яхши нарса солиҳа хотин бўлиб, унга амр қилса, итоат қилади, қараса, хурсанд қилади, қасам ичса, уни оқлайди ва ғойиб бўлса, ўз нафсида ва молида унга яхшиликда бўлади», - дер эдилар».

Ибн Можа ривоят қилган.

Пайғамбаримизнинг мақтовларига сазовор бўлган бундай аёл ўз эрига осонлик пайтида ҳам, қийинчилик онларида ҳам энг яқин киши, дардкаш, маслаҳатчи бўлиб, уни сабр-чидамга даъват қилиб, тушкунликка тушмасдан, доимо олдинга интилишга ундайди. Бу ҳақда унга аввал ўтган момоларимиз ўрнак бўладилар. Хадийжа онамиз Пайғамбаримиз алайҳиссаломга нисбатан худди юқорида зикр қилинганидек хотин бўлганлар, шунинг учун вафотларидан сўнг ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишини ҳурмат ва эъзоз билан эслаб, кўплаб ҳадислар айтганлар. Улардан бирини эслаб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

«Батаҳқиқ, одамлар менга куфр келтирганда, у менга иймон келтирди, одамлар мени ёлғончи қилганда, у мени тасдиқлади, одамлар мени чиқарганларида, у менга моли ила ёрдам берди».

Аёл ўз эрининг энг яқин ёрдамчиси – ишончли кишиси бўлиб, ҳамма нарсаларини тартибга солиб, унинг қилмоқчи бўлган ишларига ҳурмат билан қараб, ваъда ва учрашувларини ўз вақтида ўказишига ёрдам бериб турса, бу ҳолат доимо эрни уйга боғлайди. Чунки у мана шу ерда роҳат топади, ҳузур кўради.

Лекин ҳар бир катта-кичик, арзиган-арзимаган нарсаларга ҳам аралашавериш яхши эмас. Ҳар бир инсоннинг ўз эрки ва фақат ўзига хос иши бўлгани каби, ҳар бир эрнинг ҳам эрки ва иши бор.

Эр билан аҳиллик оилавий ҳаётни мустаҳкамловчи улуғ бир инсоний фазилат бўлиб, Аллоҳнинг ҳузурида бу иши учун аёл кишига улкан

савоблар бор. Улуғ имомлардан бири Жаъфари Содик: «Битта солиҳа аёл ўз эрига етти кун хизмат қилса, Аллоҳ унинг қаршисидаги дўзахнинг етти эшигини ёпади ва жаннатнинг саккиз эшигини очади», – деган эдилар.

Рисоладаги хотин ўз эрининг яхши фазилатларини топиб, уларни ривожлантиришга ҳаракат қилади. Эрини масъулиятли ишларни амалга оширишга чорлайди, у билан умидворлик ва муваффақиятли ишлар ҳақида суҳбат олиб боради. Чунки хотиннинг чорлови ҳар қандай чорловдан устун туради. Эрининг жамиятда қолдирадиган таъсири, хотиннинг унда қолдирган таъсирининг аксидир, буни ҳеч қачон унутмаслик лозим.

Агар хотин ўз эрига қобилиятли, шижоатли, муваффақиятли, мўмин, садоқатли шахс, деб муомала қилса, эр худди шундай бўлади, иншааллоҳ.

Шу билан бирга, эридан ўзи билмаган нарсаларни ўрганади, тажрибаларидан фойдаланади.

Ҳаётдаги энг гўзал фазийлат қаноатдир. Рисоладаги хотин ўзини фазийлат билан зийнатламоғи даркор. Турли ҳой-ҳавас, зеб-зийнат талаб қилиб, эрни қийин аҳволга солиш яхши эмас. Ҳозирги кунимиздаги оилавий келишмовчиликлар ёки эрлар томонидан ҳаромдан мол топишга уринишларнинг баъзилари хотинларнинг қаноатсизлигидан келиб чиқаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Қаноат – бу ожизлик эмас, камчилик ҳам эмас, балки, қаноат юксак инсоний сифат бўлиб, ўз эгасини доимо юксакларга кўтаради. Буни ҳеч қачон унутмаслик лозим. Биз ҳар қанча фахрлансак, арзийдиган момоларимиз қаноатда ҳаммага ўртак бўлганлар, дарс берганлар.

Имом Али розияллоҳу анҳунинг хотинлари, Пайғамбар алайҳиссаломнинг қизлари бўлмиш Фотиماи Заҳрони ранглари оқарган, ҳолдан тойган ҳолда кўриб:

«Сенга нима бўлди, Фотима?» – деб сўрадилар. Фотима онамиз:

«Уч кундан буён уйда егулик нарса топилмайди», – дедилар. Имом Али:

«Шундай экан, айтсанг бўлмасмиди?» – десалар:

«Тўйимиз куни отам – Аллоҳнинг Расули алайҳиссалом «Ҳой Фотима! Агар Али бирор нарса топиб келса, егин, бўлмаса, сўрамагин», – деган эдилар», – деб жавоб бердилар.

Баъзи пайтда эр киши имкони бўлиб туриб ҳам, зарур нарсани ўз вақтида таъмин қила олмай қолади. Шундай пайтда у кўчадан кириши билан: «Яна лаллайиб, қуруқ келяпсизми?!» деб бошланадиган таъналардан кўра, сабр-қаноат, ширин сўз билан сабаби суриштирилса, муаммони тезроқ ҳал қилиш йўлини топиш осонроқ кечади.

Табиийки, оилавий ҳаётда турли ҳолатлар, шу жумладан, эр-хотин ўртасида келишмовчиликлар ҳам содир бўлиб туради. Шундай пайтларда аёл киши ўзини оқилона тутмоғи, тезда ўзини ўнглаб, сулҳга ўтиб, эрига бу борада эсдан чиқмайдиган дарс бериши лозим.

Шошқалоқлик, тезда аччиқланиш, талашиб-тортишиш, тирноқ остидан кир ахтариш ва ўзидан бошқаларга ўхшаш ҳаёт ўтказишни талаб қилиш каби ишлар хотинга ҳеч қачон обрў келтирмаган, келтирмайди ҳам. Бундай ишлар оилавий ҳаётни бузишга, уни ёруғ дунёдаги жаҳаннамга айлантиришга хизмат қилади, холос.

Шунинг учун ўрни келганда ғазабни ютиш, ёқмаса ҳам, оилавий ҳаёт ҳурмати, баъзи ёқмаган нарсаларга чидашга одатланиш керак бўлади.

Эр ҳузурида ширинсухан, хушмуомала бўлиш билан бирга, яхши – чиройли кийинган, зийнатланган ҳолда бўлиш керак. Чунки бу нарса эр қалбига хурсандчилик, руҳига сокинлик киритиб, қалбига қувонч бағишлайди.

Афсуски, бизда бу нарсага ҳар доим ҳам етарли эътибор берилмайди. Кўпгина аёллар кўчага чиққанда имкони борми, йўқми, пардоз-андозни ўрнига қўядилару, оилада ўзларига эътибор бермайдилар. Аслида, аксинча бўлмоғи керак. Барча зебу зийнат оила учун бўлиб, кўчага зарурат билан чиққанида камтарона, содда ва кишилар эътиборини тортмайдиган бўлиб кийиниш зарур. Бундай камтарлик ҳам фазилат саналади.

Юқорида зикр қилинган нарсалар эр-хотин орасидаги муомалани яхшилашда керак бўладиган қўшимча маслаҳат, насиҳатлардир.

Бу нарсаларни ўз ўрнида тушуниш учун «Эр – оила бошлиғи» деган қонидани яхшилаб фикрга ўрнаштириб олмоқ зарур. Оила кичик бир жамият ва унинг раҳбари эр бўлса, оиланинг саодатли бўлишининг шартларидан бири эрга итоатдир. Айримлар буни эски гап, деб кулиб, итоатни турлича тушунадилар. Эркаклар буни мутлақ ҳокимлик деб англайдилар. «Мен нимани хоҳласам, шу бўлиши керак» деб, муомала-муносабатларни суиистеъмол қиладилар, ҳаттоки, аёлларга зулм қилиш даражасигача етадилар ва буни гўё шариат ҳукми деб талқин қиладилар. Баъзи аёллар

бўлса, аксинча, эрга итоат қилишни хору зорлик, ўзини пастга уриш деб тушунадилар-да, эрнинг ҳаққини тан олмайдилар. Бундай саркашликлардан орада тушунмовчиликлар келиб чиқади.

Аслида, ундай эмас. Аввало, бу итоат чекланган, чунки шариат қоидаси бўйича, Аллоҳ гуноҳ ҳисоблаган ишларда бандага итоат қилиб бўлмайди. Масалан, ота-онами, эрми, бошлиқми, ким бўлса бўлсин, гуноҳ ишга буюрса, унга ҳеч ким бўйсунмайди. Қолаверса, оиладаги бу итоат эрнинг «оила раҳбари» сифатидаги ҳурмати юзасидан бўладиган итоатдир. Бу иш савобли иш бўлиши билан бирга, эр-хотинлик ишлари доирасида бўлиши ва ақл-идрок билан адо этилиши ҳам шарт. Мисол учун, хотиннинг шахсий жамғармаси бўлса, унда эрнинг ҳеч қандай ҳаққи йўқ ва қандай сарф қилишга буйруқ ҳам бера олмайди. Шунинг билан бирга, эр ҳам ўзининг эрлик бурчларини адо этиб қўйган бўлиши керак.

Рисоладаги хотин эрининг олдида ҳам, ортидан ҳам обрўсини сақлайди, молини асрайди, ўз шарафини муҳофаза қилади.

Зоҳиран қараганда, кимдир: «хотин бечорага бунча кўп вазифа юклатилган экан», дейиши мумкин. Лекин ҳақиқатда эса, худди шу нарсалар эрнинг ҳам вазифаси ва қолаверса, ўзаро алоқада бўлган ҳар бир ёру дўст, дугоналарнинг ҳам бир-бирига нисбатан вазифаларидир. Ўзингиз ўйлаб кўринг, икки ёш яхши умидда бир ёстиққа бош қўйсалару, бир-бирларининг обрўсини ҳимоя қилмаса, топганини беҳуда сарфласа, эрига (ёки хотинига) нодўст киши билан дўст бўлиб, уйига таклиф қилса! Шу тўғри иш бўладими?! Йўқ, асло!

Маданий меросимизда яна бир ҳукм борки, уни эшитганда ёки ўқиганда, дастлаб, ғалати кўринади, лекин чуқурроқ таҳлил қилинса, ҳақиқат аён бўлади: бу қоиданинг пурҳикматлиги намоён бўлади. «Хотин киши эрининг рухсатисиз уйдан кўчага чиқмайди», дейилган унда. Бу – оила тартибига киради.

Оиладаги сирни, ўзаро гапларни кўчага олиб чиқиш ҳам яхшиликка олиб келмайди. Бундай нарсалар эр-хотин орасида қолиши керак.

Албатта, бир мақолада ҳамма нарсани баён қилиб ҳам, ҳаммани рози қилиб ҳам бўлмайди. Лекин аёлларимиз, келинларимиз, афсуски, ҳозиргача бу масалада узук-юлуқ насиҳатлар, янгаларининг тажриба, ўғитлари, дугоналарининг маслаҳатларидан ўзга тузукроқ маълумотга эга эмаслар. Баъзилари ўз ҳақлари поймол бўлаётганини умуман тушунмай юрган

бўлсалар, баъзилари ўз бурч-вазифаларини адо этмай юрибдилар. Ўйлаймизки, барча маърифатли, маданиятли халқлар қатори, бизда ҳам оилавий масалалар илмий-инсоний, юқори ахлоқ-одоб даражасида ёритилган адабиётлар, қўлланмалар чиқарилади. Қизларимизга мактабларда, ўқув юртларида, корхоналарда, қолаверса, бевосита турмушга чиқишларидан олдин ва оилавий ҳаётнинг бошланғич даврида суҳбатлар, махсус дарслар уюштирилади. Бу эса фойдадан холи эмас.

Ваъз, насиҳат қилувчилар учун жуда қийин. Улар ўз вазифаси юзасидан ҳақиқатни айтмоқлари лозим. Эшитувчилар эса турлича қабул қиладилар. Яхши гап бўлса, эшитиб кетишаверади. Лекин, Аллоҳ кўрсатмасин, танқид ёки ёқмайдиган гап бўлса, ҳар бир одам: «Фақат мени кўзлаб айтган, ўзи ким бўлибди?» деб машмаша бошлайди.

Севимли «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигида «Рисоладаги эр» мақоласи чиққанда маълум бўлишича, эркаклар ҳам, аёллар ҳам бирдек қабул қилдилар, айниқса эркаклар хурсанд бўлишди.

«Рисоладаги хотин»ни ёзиш давомида ўйланиб қолдим: аёлларимиз қандай қабул қилар эканлар?

Охири қариндош аёллар ўқиб, фикр билдирганларидан сўнг таҳрир ҳайъатига юборишга журъат этдик. Ўйлаймизки, иншааллоҳ, бу мақола ҳам ўқувчиларимизга манзур бўлади. Чунки бу маънолар ёлғиз муаллифнинг эмас, балки эътиқодимиз таълимотларидан ва ҳаётий тажрибалардан келиб чиққан фикрлардир. Халқ тажрибасига суяниб иш кўриш оила кўрғонини мустаҳкам қилишига шубҳа йўқ.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Бахтиёр оила китобидан)